

ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ ТАШКИЛИЙ ҲУҚУҚИЙ ВА НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Асқар Юсупов

Тадқиқотчи Ўзбекистон

Аннотация: Ушбу мақолада иқтисодиётни модернизациялаш шароитида тадбиркорлик фаолиятининг ташкилий ҳуқуқий асослари, мазкур йўналишда тадқиқот олиб борган олимларнинг назарий қарашлари, кичик бизнеснинг афзалликлари, моҳияти ва унинг бир қатор хусусиятлари ҳақида сўз юритилган.

Калит сўзлар: тадбиркорлик, кичик бизнес, кичик корхоналар, иш ўринлари.

Мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантириш, фаровон турмушини таъминлашда муҳим ўрин тутаётган тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш масаласи давлат сиёсатининг стратегик йиналишларидан биридир.

Хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес субъектларининг ҳуқуқлари ва манфаатлари ишончли ҳимоя қилинишини кучайтириш, давлат органлари, назорат ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг тадбиркорлик тузилмалари фаолиятига ноқонуний аралашинининг олдини олиш, тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилганлик учун раҳбарлар ва мансабдор шахсларни қатъий жавобгарликка тортиш, “Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади” деган принципни амалиётда рўёбга чиқариш иқтисодий ислохотларнинг устувор йиналишларидан биридир.

Кичик бизнеснинг муҳим белгиларидан бири ўз ишига, мулкига бевосита эгалик қилишдир. Бунда мулк ва назоратнинг айнан ички боғлиқлиги, мулкдор ва таҳлика билан боғлиқ тўла жавобгарлик ва маъсулиятни ўзига қабул қила оладиган бошқарувчининг бирдайлиги муҳимдир. Кичик бизнеснинг ижтимоий-иқтисодий моҳиятини тўлароқ очиқ бериш учун унинг бошқа иқтисодий субъектларидан фарқли жиҳатлари қолаверса, афзалликлари хусусида тўхталиб ўтиш лозим билади.

Америкалик иқтисодчи Р.Стюарт кичик бизнеснинг хусусиятлари сифатида қуйидагиларни кўрсатиб ўтади¹: кичик бизнес, кўпчилик янги маҳсулот ёки хизмат турининг бунёд этилиши учун бошланғич ишлаб чиқариш нуқтасидир; кичик бизнес

¹ Курбангалеева О.А. Как правильно применяют упрощенку. – М.: —Эксмо, 2007. – С. 416.

ихтисослашган маҳаллий эҳтиёжларни қондиришга яхши мослашган бўлади; кичик бизнес ўз истеъмолчисини шахсан билиши муҳим бўлган хизмат турларини таклиф этади.

Иқтисодчи олим Л.Гуровнинг фикрича², кичик бизнес куйидаги афзалликларга эга: устун даражада иқтисодий ўсишнинг суръатларини белгилайди, моддий, молиявий ва кадрлар ресурсларининг самарали тақсимланишига ёрдам беради, иш ўринларини вужудга келтиради, янги иш жойларини ташкил этишда йирик корхоналарга қараганда анча кам харажат талаб қилади.

Мамлакатимиз иқтисодчиларидан академик С.Ғуломовнинг таъкидлашича, кичик бизнес ва тадбиркорлик ҳар қандай шароитда: иқтисодий тушкунликда ҳам, инфляция даврида ҳам, кредитлар фоизи ўта юқори бўлганда ҳам, зарур инфратузилмасиз келажаги номаълум ҳолларда ҳам, хавф – хатар қанчалик юқори бўлишига қарамай яшайверади³. Шунингдек, профессор А.Ўлмасов томонидан «Кичик бизнес – кишилар (мулкчилик) субъектларининг моддий ва пул маблағларини (капиталини) амалда хўжалик оборотига, даромад топишга мўлжаллангандир», дея таъкидлаган бўлса,⁴ Ё.Абдуллаев тадбиркорликка – қонун ҳужжатларига мувофиқ, даромад (фойда) олишга қаратилган, юридик ва жисмоний шахслар томонидан маҳсулот ишлаб чиқариш йўли билан таваккал қилиб, ўз мулкий жавобгарлиги остида амалга ошириладиган ташаббускорлик фаолияти сифатида таъриф берган⁵.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, назариячи иқтисодчи-олимлартадбиркорликка тўла-тўқис тафсилот берганлар ва унга психологик томонларни ўз ичига олган ижтимоий-иқтисодий воқелик деб қараганлар.

Шундай қилиб, турли даврларга тадқиқотчилар томонидан тадбиркорга турлича тушуналар берилган: Тадбиркор - бу янги технология, янги ишлаб чиқариш ва янги хизмат ишларини ишлаб чиқувчи новатор, таваккалчилик шароитида ҳаракат қилувчи, кучли шахс, ҳар қандай имкониятдан максимал фойда оладиган субъект; ташаббус

² Gurov L. Kichik tadbirkorlikning yangi imkoniyatlari // Bozor, pul va credit. – Toshkent, 1999. – №7–В. 32.

³ Ғуломов С. Тадбиркорлик ва кичик бизнес. –Т.: «Sharq», 2002. - 9 б

⁴ О'лмасов А., Шарифхўжаев М. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. – Т.: «Mehnat», 1999. – В. 243.

⁵ Abdullaev Yo. va boshqalar. Tadbirkor ёn daftari: kichik biznes va tadbirkorlik. – Т.: «Mehnat», 1999. - 12

кўрсатувчи, ишбилармон, ижтимоий- иқтисодий механизмни ташкил - этувчи шахсдир.

Бизнинг фикримизча, тадбиркор ва бизнесменнинг фаолияти натижалари турлича тугалланади. Тадбиркор ўз қобилияти ҳисобига тадбиркорлик даромадини олса, бизнесмен сарфлаган капиталидан фойда олади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддасига мувофиқ, бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этиши, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлиги, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилиги ва ҳуқуқий жиҳатдан бир хил муҳофаза этилиши Давлат томонидан кафолатланилиши ёзилган. Шунингдек, хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсизлиги ва давлат ҳимоясидалиги белгиланган.

Ўзининг «кичик бизнес» деган номига қарамасдан ушбу ишлаб чиқариш ва тижорат фаолияти тури барча тараққий топаётган давлат иқтисодиётида муҳим аҳамиятга эга. Унинг қуйидаги афзалликлари мавжуд, жумладан:

- маҳаллий ресурсларда ишлаб турган ёки маҳаллий бозорни таъминлаб турувчи кичик корхоналар ҳеч билмаганда транспорт харажатларининг иқтисод қилиниши эвазига кам харажатлидирлар. Уларнинг иқтисодий устунлиги маҳаллий шароитларини яхши билганлари сабабли, ишлаб чиқаришни унча кўп бўлмаган капитал ва меҳнат харажатлари билан амалга оширишидадир;

- кичик корхоналардаги меҳнат, одатда, моддий тавсифга эга ва у амалиётда канселярия меҳнатига нисбатан фойдалидир;

- ишловчиларнинг камсонлиги, уларнинг ҳар бири қобилиятининг энгилроқ юзага чиқишига ёрдам беради;

- мослашувчанлик, яъни ишлаб чиқилаётган маҳсулот ассортименти ва турини ўзгартириши кичик корхоналарда унчалик катта қийинчиликлар туғдирмайди. Шунинг учун бозор иқтисодиётига асосланган давлатларда кичик бизнес ўз мавқеини тинимсиз кучайтириб ва мустаҳкамлаб бормоқда. Тадбиркорлик фаолиятининг қуйидаги шакллари мавжуд: хусусий тадбиркорлик, жамоа тадбиркорлиги, фуқаролар гуруҳининг жамланма мулки асосида ташкил қилинади, аралаш тадбиркорлик, оилавий тадбиркорлик, битта юридик шахс ва бир неча жисмоний шахс мулкани бирлаштириш асосида ташкил қилинади, қишма тадбиркорлик, икки ёки ундан ортиқ

юрдик шахслар мулкини бирлаштириш юли билан ташкил қилинади ҳамда шартномавий тадбиркорликдир.

Шундай қилиб, кичик бизнеснинг моҳияти ва ташкилий ҳуқуқий асослари ҳақидаги мулоҳозаларимизни якунлаб умумий хулоса сифатида шуни қайд этишимиз мумкинки, кичик бизнесни моҳияти унинг бир қатор хусусиятлари мавжуд:

бозор конъюктурасига асосан тез мослашувчанлиги;

янги иш ўринларини яратиш орқали ишсизликнинг олдини олиши;

йирик бизнес субъектлари учун қтисодий самарасиз соҳаларда фаолият қилиши.

Шу билан биргаликда, уларда инвестиция киритишнинг моддий асоси йўқлиги, фаолиятнинг барқарорсизлиги, банкрот ҳолатига тез тушишидан иборат бўлиб, булар кичик бизнес субъектларини камчиликларини ташкил этади.

Бевосита кичик бизнес субъектларини аниқлашнинг мезони хусусида ягона мезонни йўқлиги характерли бўлиб қолмоқда. Бизда бу ҳолат уларда ишловчилар сони миқдори асос қилиб олинган бўлиб, қўшимча мезон сифатида маҳсулот (хизмат, ишлар) реализация ҳажми ва асосий воситалар қийматини ҳам эътиборга олиш лозим деб ўйлаймиз.

Юқорида баён этилганлардан шундай хулосага келиш мумкинки, Ўзбекистонда кичик бизнеснинг ривожланишини давлат томонидан тартибга солиш ва қўллаб-қувватлашнинг меъерий-ҳуқуқий асоси яратилган бўлиб у мамлакатнинг иқтисодий ривожланиши талабларидан келиб чиққан ҳолда доимий равишда такомиллаштирилиши лозимдир.